

Акмал МИРҲАМИДОВ,

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

2-курс магистранти

“АЛ-МУНТАХАБ АЛ-ҲУСОМИЙ” АСАРИ ВА УНИНГ ҚЎЛЁЗМАЛАРИ

Ханафий мазҳабида усул ал-фиқҳ бўйича китоблар кўп бўлиб, уларнинг орасида Ҳусомуддин Ахсикатий²⁹ қаламига мансуб “ал-Мунтахаб ал-Ҳусомий” асари алоҳида ўринга эга. Уламолар томонидан турли номлар билан аталган мазкур асарнинг бир қанча қўлёзма нусхалари ва шарҳлари мавжуд.

Муаллиф асарига ном қўймаган ва унга муқаддима ҳам ёзмаган. Лекин олимлар бу китобга муносиб келадиган турли номлар билан атаганлар. Улар қуйидагилар:

1. “Ал-мунтахаб фий усул ал-мазҳаб”. Бу ном жуда кўп манбаларда ва баъзи қўлёзмаларда шундай зикр қилинган³⁰.

2. “Ал-мухтасар фий усул ал-фиқҳ”. Бу номни Лакнавий “Ал-мухтасар фий усул ал-фиқҳ ал-маъруф бил мунтахаб ал-ҳусомий”, деб қўйган³¹.

3. “Ал-мухтасар”. Қураший: “Ҳусомиддин “Ал-мухтасар”нинг соҳибидир”, деди. Қутлубуғо: “Ҳусомиддин Ахсикатийнинг усул ал-фиқҳда “Ал-мухтасар” номли китоби бор”, деган³².

4. “Ал-мунтахаб”. Тошкупризода: “Ахсикатийнинг “Ал-мунтахаб” номли китоби бор”, деди³³.

²⁹ Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Умар Ахсикатий. 644 ҳижрий йилда вафот этган.

³⁰ Ҳожи Халифа. Кашфуз зунун ён асамий ал-кутуб вал фунун. – Ж 2. – С. 1848.

³¹ Муҳаммад Абдулхай ал-Лакнавий. Фавоид ал-баҳийя фи тарожум ал-ҳанафийя. – С.188.

³² Юсуф Ильян Саркис. Муъжам ал-матбуот ал-арабийя ал-муарриба. – Қоҳира: Дорул кутубул олам, 1997. – Ж.1. – С.406.

³³ Аҳмад ибн Мустафо Тошқубрийзода. Мифтах ас-саода. – Байрут: Дорул кутуб ал-илмия, 1995. – Ж 2. – С. 170.

5. “Ал-ҳусомий”. Броккельман: “Унинг “Ал-мунтахаб фий усул ал-мазҳаб” номли китоби бор. Бу китоб одатда “Ал-ҳусомий”, деб айтилади”, деди³⁴.

6. “Усул ал-фиқҳ”. Бу китобнинг баъзи қўлёзма нусхалари ғилофида “Усул ал-фиқҳ ли Муҳаммад Ҳусомиддин Ахсикатий”, деб ёзилган.

7. “Ахсикатий фий усул ал-фиқҳ”. Бу китобнинг бир нусхас ғилофида ушбу ном кичик хатда ёзилган. Бошқа бир нусхада эса “Ахсикатий фил усул”, деб ёзилган.

8. “Ал-Мунтахаб ал-Ҳусомий”. Китоб уламолар ўртасида ушбу ном билан машҳур бўлган. Лакнавий ҳам уни шундай ном билан зикр қилган. Шунингдек, Зириклий ўзининг “ал-Аълам” китобида, Умар Ризо Каҳҳола “Муъжамул муаллифин”да ва Саркис “Муъжам ал-матбуот ал-арабия” китобида шундай ном билан келтирган.

Бу китобнинг қўлёзмалари кўп давлатлар кутубхоналарида сақланади. Унинг қўлёзмалари йигирма тўрттадан ортиқ бўлиб, ҳозирда уларнинг еттита нусхаси аниқланган. Улар қуйидагилар:

1. Ар-Риёд шаҳрининг Малик Сауд университетидаги 3797 рақамли нусха “Китаб фи усул ал-фиқҳ, таълиф ал-имам ал-фозил ал-Ахсикатий” деб аталган. Асар 10 рабиъул аввал, 690/1291 йилда кўчирилган. Варақлар сони: 74 та, ҳар бир бети 11 қатор ва ҳар бир қатор 8 та сўздан иборат.

2. Туркиянинг Башир оға кутубхонасидаги 187 рақам остидаги нусха. Китобнинг номи

³⁴ Карл Броккельман. Тарих ал-адаб ал-арабий. – Миср: Дорул ирфон, 1993. – С. 718.

“Шарҳ лил Ахсикатий маъал матн ли Ҳофизиддин ан-Насафий”.

Бу китобнинг нусхаси Муҳаммад ибн Сауд номидаги Ислом Университети кутубхонасида 7406 рақам остида сақланади (Ар-Риёд)³⁵.

3. Ирландиянинг Дублин шаҳри Честрбетий кутубхонасидаги 5047 рақамли нусха. Китоб “ал-Мунтахаб фи усул ал-мазҳаб” деб номланган. Насх хатида ёзилган.

4. АҚШ Борнстон Университети кутубхонасидаги 1705 рақамли нусха. Китоб “Усул ал-фиқҳ Муҳаммад Ҳусомиддин / Ахсикатий фи усул ал-фиқҳ” деб номланган. Котиб Сожий ибн Яъқуб ибн Муҳаммад, Сирожул Мултий номи билан машҳур бўлган. Насх хатида ёзилган.

5. Эроннинг “Миръаший” кутубхонасидаги 2/7887 рақамли нусха. Китобга “ал-Мунтахаб фи усул ал-мазҳаб” деб ном қўйилган. Бу нусха Абдуллоҳ ибн Наср ибн Муҳаммад ибн Абулфатҳ Дусоний қаламига мансуб бўлиб, насх хатида кўчирилган.

6. Туркиянинг Сулаймония кутубхонасидаги 304 рақамли нусха. Китоб “Ахсикатий фил вусул” деб номланган. Асар насх ва таълиқ хатида кўчирилган.

7. Подшоҳ Файсал номи Ислом илмий тадқиқот марказидаги 877 рақамли нусха. Китоб “Ахсикатий фи усул ал-фиқҳ” деб номланган. Асар насх хатида кўчирилган.

Ахсикатийнинг “ал-Мунтахаб ал-Ҳусомий” асари бошқа усул ал-фиқҳ китобларидан ўзига хос услублари билан ажралиб туради. Жумладан, муаллиф бу китобига бошқа кўплаб муаллифлар одатига кўра муқаддима ёзмаган. Унда бирор усул ал-фиқҳга доир масала келтирса, унинг ортидан ўша масалага мувофиқ бўлган ҳанафийлар ҳамда унга хилоф бўлган қарашни бериб борган. Аввал ҳанафий мазҳабига доир қарашларни зикр қилиб, ундан сўнг мухолиф тарафнинг раъйни ва унга қарши ўзининг далиллари келтиради. Баъзида эса далилсиз ҳам раддия беради. Масалан, муаллиф бу китобда мажознинг ҳукми ҳақида гапирар экан, унинг умумийлиги ҳақида сўз юритади. Бироқ Имом Шофеъийнинг “Мажознинг умумийлиги бўлмайди. Чунки мажоз гапни кенгроқ маънода ифода этиш учун қўлланилади”, деган сўзлари бўлиб, Ахсикатий бу гапга раддия тарзида, мажоз Аллоҳ таолонинг китобида бор, Аллоҳ таоло эса ожизлик ва заруратдан

буюк эканини айтади. Бу эса муаллифнинг ўз мазҳабидан бошқа мазҳаблар ва уларнинг далилларига қандай раддия беришни ҳам яхши билишини кўрсатади.

Ахсикатий кўп ҳолларда нақл эгаларининг ҳам номларини зикр қилиб ўтади. Масалан, китобнинг 36-бетида шундай ёзади: “Абул Ҳасан Кархий: “Қиёсга амал қилишнинг имкони бўлмаганидагина саҳобийга тақлид қилиш дуруст бўлади”, деди”. Бу эса Ахсикатий сўзларни ўз эгасига нисбат беришда илмий омонатдор эканига далолатдир. Баъзида у зот “Бизнинг наздимизда”, “Уламоларимиз айтадилар”, “Айтилди”, “Биз айтамыз” ва “уларнинг баъзилари айтдилар”, деб ҳам келтиради.

Қадимдан муаллифлар одатига кўра, аввал ўша китобдан кўзланган мақсад, унда қўлланган услублар, мавзулар тақсимооти, суяниланган манбалар, китоб мухтасар қилинган бўлса, бунинг сабаби ёки шарҳланганининг тафсилотларига бағишлаб муқаддима ёзадилар. Айрим муаллифлар эса аксинча тўғридан тўғри мавзуларни баҳс қилиш билан бошлаб юборадилар. “Ал-Мунтахаб ал-Ҳусомий” асарида мана шу ҳолатни кузатиш мумкин. Шу боис ҳам китоб “Амма баъда ҳамдиллаҳи... Шариатнинг асли учтадир...” жумласи билан бошлаб юборилган. Бунинг асосий омилларидан бири муаллифнинг ўз китобини мухтасар қилишга бўлган рағбати дейиш мумкин. Шунинг учун жуда кўп олимлар бу китобнинг муаллифини “Соҳиб ал-мухтасар”, яъни “Мухтасар соҳиби” деб атаганлар. Жумладан “ал-Жавоҳир ал-музийй”, “Тож ат-тарожум”, “Мифтаҳ ас-саода”, “Муъжам ал-муъаллифин” ва “Ал-фавоид ал-баҳия” каби китобларининг соҳиблари муаллифни “Соҳиб ал-мухтасар” деб зикр қилганлар. Баъзи олимлар Ахсикатийнинг бу китобини Имом Фаҳрул ислом Али ибн Муҳаммад Паздавий Ҳанафийнинг (482/1089 йилда ваф.) “Усул ал-Паздавий” номи билан машҳур бўлган “Канз ал-вусул ила маърифа ал-усул” китобининг мухтасар шакли деб айтганлар. Чунки “ал-Мунтахаб ал-Ҳусомий” асарининг бир қанча услуби Паздавийнинг усул китобидаги услубга ўхшайди. Масалан, Паздавий китобини тавҳид илми билан бошлаб, сўнг фуруъ илмига киришган. Ахсикатий ҳам ўз китобини худди шундай бошлаган. Шунингдек, Паздавий Қуръони каримни “Китоб, у Расулуллоҳга нозил бўлган, мусҳафлар-

³⁵ Подшоҳ Файсал номидаги ислом илмий тадқиқот маркази.

га ёзилган, бирор шубҳасиз мутавотир йўл ила нақл қилинган Қуръондир ва барча уламолар сўзига кўра назм(га солинган) ва маънодир” деб таърифлаган. Ахсикатий ҳам Қуръони каримни худди шундай таърифлаган.


Лекин тарожум уламоларидан ҳеч бири Ахсикатийнинг бу китобини “Усул ал-Паздавий”нинг мухтасари деб зикр қилмаган. Чунки агар Ахсикатийнинг “ал-Мунтахаб” китобини “Усул ал-Паздавий”нинг мухтасари деб айtilса, унда Ахсикатий Паздавийга тақлид қилувчи бўлиб қолади. Ваҳоланки, Ахсикатий муҳаққиқ ва буюк олимлардан бўлган. Гарчи “ал-Мунтахаб” баъзи жиҳатлардан “Усул ал-Паздавий”га ўхшаб кетса-да, бироқ кўплаб ўринларда катта

фарқларни кузатиш мумкин. Мисол учун, масалаларни келтириш, китобларни бобларга бўлиш ва фаслларга ажратишда бирор ўхшашлик топилмайди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, ислом илмлари орасида усул ал-фиқҳ илмининг ўрни беқиёс. Ушбу илмга бағишлаб кўплаб асарлар битилган, уларга шарҳлар ёзилган. Ҳанафий мазҳабида оид усул ал-фиқҳ китоблари орасида Ҳусомуддин Ахсикатийнинг “ал-Мунтахаб ал-Ҳусомий” асари катта шухрат қозонган. Асар ўзидан кейин кўплаб тадқиқотларнинг вужудга келишига асос бўлиб хизмат қилган. Шу сабабли уни ўрганиш ва тадқиқ этиш ғоят муҳимдир.



Анас (р.з.) ривоят қиладилар: «Набий (сав): «Ўзингиз яхши кўрган нарсани биродарингизга раво кўрмагунигизча ҳеч бирингиз чинакам мўмин бўла олмайсиз», – дедилар».



Анас ибн Моликдан (розияллоҳу анҳу). Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат қилдилар: «Қайси мусулмон бирор дарахт ўтқазса ёхуд бирор нарса экса, (сўнгра уларнинг) ҳосилидан қуш, инсон ёхуд бирон ҳайвон еса, бу мусулмонга садақа ёзилади».



Микдом ибн Маъди Кариб розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деганларини эшитганини айтдилар: “Ўзинг еганинг, болаларингга, хотинингга ва хизматчиларингга едирганинг ҳаммаси сенинг қилган садақанг, хайр-эҳсонинг ҳисобланади”.

